



Ислом Нури

«...» :... «...»

Имом Байҳақий ва имом Ҳоким Абу Саид ал-Худрий розияллоху анхудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: «Ким жумъа куни “Каҳф” сурасини ўқиса, у учун икки жумъа оралиғини нур билан мунаввар қилиб туради», дедилар. (Албоний саҳиҳ деган).

... :... «...»

Имом Абу Довуд, Насоий ва Ибн Можа ривоят қилган ҳадисда Абдуллоҳ ибн Буср розияллоху анху шундай дейди: Жумъа куни Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам хутба қилиб турганларида бир киши масжидга кириб одамларнинг елкасидан ошиб олдинга ўта бошлади. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам у кишига қараб: «Ўтир, кеч қолибсан, энди одамларга озор ҳам берасанми», дедилар.

... : ... «...»

Абу Ҳурайра розияллоху анху ривоят қилган муттафақун алайҳ ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: «Жумъа куни имом



билан бирон нарсани ўйнаб ўтириш каби ишлардан узоқ бўлиш ҳам жумъанинг одобларидандир.

Бугунги дарсдан олинadиган фойдалар:

1. Жумъа намозига эрта бориш суннат.
2. Хутба вақтида жим туриб, хутбани эшитиш вожиб.
3. Жумъа куни “Каҳф” сурасини ўқиш суннат.
4. Бошқа кунларга нисбатан жумъа куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга кўпроқ саловат айтиш суннат.